ЎЗБЕКИСТОН МЕХНАТКАШЛАРИ РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНING 27 ИЮЛДАГИ ЙИГИЛИШИДАН АНА ШУНДАЙ ХУЛОСАГА КЕЛМОҚДАЛАР

• Саноат БУ—БОШЛАНИШИ ҲАЛИ

Ҳар қандай жамиятнинг асосини иқтисод ташкил этади. Иқтисод мустақам мамлакатнинг қадди тик, жаҳонда омури-этибори банд, халқнинг турмуш шароити рисоладагидек бўлади.

Муҳтарам Президентимиз, республика ҳукумати ўтти даврининг қийинчиликларини бартараф этиш, жумладан саноатдаги узиллишларни тугатиб, унинг соғлом изга тушиб кетишига қаратилган йўлни қатъий билан ўтказиб келаяпти. Бу борадаги амалга оширилаётган ишхотлар ўзининг дастлабки самараларини бераётганини қувонарли ҳолда.

Мисолларга ўта қўлайлик. Ҳақиқат ҳам чинариш пасаймади, балки аниқ бўлса ҳам кўпайди. Енгил саноат эса 17 фоизга ўсди, эришди. Бошқа соҳаларда ҳам ўсиш бор. Нефть ишлаб чиқариш 16 фоиз, газ қазиб олиш эса 2 фоиз ошди.

Агарда биринчи кварталда саноатда маҳсулот тайёрлаш 4,5 фоиз, ярим йилликда 3 фоиз камайган бўлса, июнь ойидан бошлаб эса биринчи мартаба 3,6 фоизга кўпайган. Бу жуда муҳим натижа! Республиканимизда саноатдаги оракча кетиш тўхтатилиб, ўсиш сари дастлабки қадам қўйилди. Юз берган бу ўзгаришлар бениҳоя муҳим аҳамиятга эга. Бундай дейётганимизнинг боиси шундаки, кўпчилик ҳамдўстлик давлатларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамон йил сайин кескин камайиб, аҳолининг турмуш даражаси мушкуллашиб бораётган. Ана шундай шароитда биз ишлаб чиқаришнинг пасайишини тўхтатиб, уни ривонлантириш сари дастлабки қадамни ташлади.

Ҳар қандай соҳада ҳам сарфланган маблағ, куч-ғайратнинг самарасини кўрмоқ учун вақт ўттиш керак. Республиканимизда умид уйғотадиган жуда катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунонин, Жанубий Корея ҳамда Германия билан биргаликда автомобил заводлари барпо этилмоқда. Эндилкида кўшма корхоналаримиз жаҳон бозори талабларига жавоб бера оладиган, хоржий давлатларини билан рақобат қила оладиган оқ қора ва рангли телевизорлар тайёрлаб чиқармоқдалар. Туркия, Ита-

лия, Испания, Америка, Хитой ва бошқа давлатлар билан жаҳон бозорига товар олиб чиқиш имконини берадиган турли ишлаб чиқариш объектлари қуриляпти. Хоржий мамлакатлар билан ҳамкорликда ишлаётган корхоналар сонин 800 дан ортиди. Қишлоқларда кичик корхоналар тармоғи кўпайиб бораётганини нафақат иқтисодий аҳамиятга эга, балки унинг жуда катта иқтисодий аҳамияти ҳам бордир. Буларнинг барчасини келгусидаги яхши куларимизнинг бошланиши ҳали.

Лекин чин ватанпарвар сифатида қийинчиликлари, ишмиздаги камчиликларини кўрмаслик адолатдан бўлмади. Президентимизнинг қуйиб-ёнаётгани бежиз эмас. Халқ ҳужалиғиди, жумладан, саноатдаги аҳоли ҳамон мураккаблигича қолмоқда. Буни қаранг, 74 та корхонада ўтган олти ой ичиде ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб кетган. Қўшма корхоналардан атиги 20 фоизда маҳсулот тайёрланган. Режаларни барбод қилаётган киме ва бинокорлик материаллар саноати раҳбарлари шаънига ҳақли равишда жиддий эътирозлар билдириляпти. Муҳим маҳсулотлар турларини тайёрлаш камайитириб юборилган. Ассенс равишда маҳсулотлар нархи кўтарилган ва шу йўл билан сунъий равишда рентабеллик оширилган.

Ҳаёт шунини кўрсатмоқдани, ишлаб чиқаришни замонавий асосда ташкил қила оладиган ва иқтисодий пухта биландиган малакали мутахассисларсиз ҳозирги талаблар даражасида иш юритиш, бинобарин бозор муносабатларини мўтадиллаш мумкин эмас. Хоржий мамлакатлар билан бори-келдимиз ривонланаяпти. Бу — яхши. Лекин жаҳоннинг илгор технологиясини жорий этиш ҳамон сустр борапти. Узоқни кўзлаган раҳбар шу зайлда иш тутмайди. Боқимандликдан тээроч қийди, том маънодаги эркин одам бўлай деган раҳбар жамини яхши тажрибаларини жон кўйдириб, тээроч жорий этади. Ахир бошқалардан бизнинг қаеримиз кам?!

И. СУЛТОНОВ.

ГОЛЛАНДЧА УСУЛ БИЛАН

Қашқадарё вилоятини ҳужалиқларда голландча усул билан кечки картошка екилмоқда. Бунинг учун Голландиядан 2700 тонна уруғлик картошка келтирилди.

Вилоятнинг «Сабзавотнави уруғлари» «Насаф» ишлаб чиқариш бирланмаси бош ҳужалиғига қарашли С. Турев бошлиқ бригадада голландча усулда картошка етиштириш бўйича кўргазмали семинар бўлиб, сейлка билан 7 гектар ерга уруғ ташланди. Ҳужалиқнинг И. Эшкуватов бошлиқ бригадасида ҳам 7 гектар ерга Голландиядан келтирилган уруғ сифатли қилиб екилди.

Бирлашманин «Ўзбекистон мустақиллиги», «Ширинобо», «Қарли» уруғчилик давлат ҳужалиқларида ҳам голландча усул билан кечки картошка екилмоқда. Бу агротехник юмушлар қисқа вақтда бутун ерда ниҳоятини етиштирилади.

— Бу йил вилоят бўйича 900 гектар майдонда голландча усул билан кечки картошка етиштирилади, — дейди бирлашма бош директори Г. Рўзимуродов. — Деҳқончилик учун қўлай бу навиини етиштириш агротехникаси унчалик қийин эмас. Агар ерки ўз вақтида сугориб, минерал ва маҳаллий ўғит билан озикланитириб борилса, ниҳоятда ҳосилдор бўлиб етилади. Ҳосили бошқа навларга нисбатан икки-уч баравар кўп, яъни гектарига 35-40 тоннадан картошка йиғиб олиш мумкин.

Мусо КАРОМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ислоҳ Каримов:

ИЛГОР ХОРИЖИ ФИРМАЛАР БИЛАН АЛОҚА БОҒЛАМАГАН ВА БИТИМЛАР ТУЗМАГАН БИРОНТА ҲАМ КОРХОНА БУЛМАСЛИГИ ДАРКОР. БУ ГАП МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН ВА ХИЗМАТ КўРСАТАДИГАН БАРЧА КОРХОНАЛАРГА ТААЛЛУҚЛИДИР.



Янгиқўрғон туманидаги «Пешқўрғон» давлат ҳужалиғи Голландиянинг «Диамонт» ва «Марко» нави картошкасидан 190 тонна оlib келди. Ҳужалик бунинг учун «Себеко» фирмасига 132 миллион сум маблағ ўтказди. Голландиялик мутахассис Девице Бомс деҳқонларга қартошка навиини экиш ва парваришлаш технологиясини ўргатди.

Ҳозир 60 гектар майдонга кечки картошка экиш ишлари қизғин. Мўлжал — ҳар гектар ердан 30 тоннадан ошириб ҳосил олиш. СУРАТЛАРДА: Голландия технологиясини ўрганмоқда ва асосида картошка экиш пайти.

Х. ҲАЙДАРОВ олган сурат.

ФЕРМЕР БЎЛИШ ОSON ЭМАС

Чуст туманидаги Навоий номи жамоа ҳужалиғида фермерлик ҳаракати кенг кўл очилган. Бу ерда ўттизга яқин деҳқон ҳужалиғи самарали фаолият кўрсатаётди. Фермер бўлиш осон эмас. Унинг ўзига хос қийинчиликлари, муаммолари бор. Қўйилган ҳужалик раиси Мухсинбой Аҳмедов ана шу ҳақда хикоя қилади.

Бизда ишбилармон деҳқон ҳужалиқлари алоҳидачон оёққа туришди, бундай ҳужалик ҳам озми-кўми қилиб кўриляпти. Фермер Тожиахмад Пардаев олиб бораётган ишларни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Мазкур деҳқон ҳужалиғи 2 та болалар богчаси, 1 та мактабга сут билан таъминляпти. Шартномада белгиланган миқдорда гушт сотаяпти. Бошқа тайёрлаш йўлинидани деҳқон ҳужалиқларини ҳам шартнома талабларини бажаришда ўз сўзларининг устидан чиқишяпти.

Тадбиркорлик билан ишлаётган фермерлар кам бўлишмаяпти. Масалан, Т. Пардаев мўмай даромад эванга ҳужалиғини иқтисодий жиҳатдан мустақамлаб олаётган. Ҳозир унинг ихтиёрида 1 та «Газ—53» юк машинаси, иккита трактор бор. Уларни шахсий мулк сифатида сотиб олди. Қарамоғидаги 45 та қорамолни парвариш қилишти. 3 гектар ер-

Халқимизнинг кўп ва ҳўп дон, ҳикматли нақллари бор-да. Буни қаранг: «Ер эл билан олоб», «Ер кудрати» — деҳқон қуввати», «Ерни тўйдирсанг — тўйдирар...», «Ерни алданган ўзини алдар». Бундай нақллар заманида битта нарсга ётиди: ота-боболаримиз, аجدларимиз ҳаминша ердек олий нобятининг қадрига етишга даъват қилганлар!

Президентимиз Ислоҳ Каримов Ўзбек халқининг ерга бўлган ана шу меҳрини чўқур англаб, кейинги йилларда бир қатор фармонлар қабул қилди. «Собиқ Иттифоқ деҳқонга» ер ваъда қилиб лабзининг улдасидан чиқмаган, олтиинчи йилларда озик-овқат маҳсулотларини етиштиришга пухта етказувчи қарорлар қабул қилинган эди. Яқин-яқингача қишлоқ одамлари ерни оилаларга мерос қолдириш мумкинлигини тасаввур ҳам қила олмадилар. Дастлабки фармонлар натижасида деҳқонларнинг бор йўғи 4,5 фоизда деҳқончилик қилган шахсий ҳужалиқлар республиканимизда озик-овқат маҳсулотларининг 40 фоизини бера бошладилар. Яқинда Ўзбекистон Республикасини Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда Президентимиз шундай бир мисолни келтирди: шахсий ҳужалиқларда ҳар бош сиғирдан 2500 килограмм дан сут согиб олинаётган бўлса, давлат ва жамоа ҳужалиқларида бу рақам ати-

келинган бўлса, энди у аграр иқтисодиётда давлат сектори билан тенг ҳуқуққа эга бўлиб қолди. Натийжада ерга, меҳнатга, техникага янгича қараш юзага келди. Унга халқимиз дастур-

дамасданоқ ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлганини қандай охишлош мумкин?

Бунинг таъинда нима яшириниб ётганини дангал айтиб қўй қўлайлик. Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё ва бошқа вилоятларда бу борада фақат сунут қилинаётганининг сабаби битта: айрим туман ва ҳужалиқлардаги маҳаллий раҳбарлар ўз шахсий манфаатларини кўлаб, мансаб курсиларидан айрилиб қолмаслиқни ўйлаятдилар. Холос. Шу бондан деҳқон фермер ҳужалиғи эгаси банкда ҳисоб рақамини очолмай хуноб, қарз, уруғ, техника оломлай сарсон саргардон. Ҳозирга қадар Бўна туманида ўн битта фермадан атиги биттаси хусусийлаштирилгани қандай баҳолаш мумкин. Бу Президентимиз жуда ҳақоний таъкидлаганидек, одамларнинг ишхотдан, иқтисодий қайтарди, уларнинг эртани ишончини сўндирди. Бундай ишонду раҳбарлар лоақаб Самарқанднинг Уругт районига ҳар бир қарчир ердан ишнинг кўзини билан, тадбиркорлик билан фойдаланишини ўз кўзлари билан кўришга эди. Хуллас, жуда билиб айтишган экан тадбиркорлар ерни яшнатар, ўқувчилар уни қақшатар, деб!

Ҳамид ИКРОМОВ.



Хоржийнинг ёрлиғи тушириляган маҳсулотнинг ошини донин олиш. Сабаби унинг пишқиқ-пухталиғида. Тўғрида, юксак дид билан тикланган ҳар қандай буюм, сиқидилдан тайёрланган ҳар қандай маҳсулот ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Ҳамиша таълабчан харидорнинг муносиб баҳосини олади. Эндилкида Шаҳрисабзда ҳам пишқиқ-пухталиғи билан хоржийнидан қилинмайдиган ана шундай маҳсулотлар тайёрлана бошланди. Қашқадарё вилоятинидаги бу кўркам шаҳарда яқиндагина қуриб ишга туширилган трикотаж буюмлари тикиш фабрикасининг илчан жамоаси тайёрлаётган хилма-хил кийимлар ҳаммабон: катта кичикча бир қумчадек манзур бўлади.

450 илчи-хизматчи меҳнат қилаётган кенжа корхонаниннг имкониятлари катта. У бир йилда 5 миллион донадан ортиқ трикотаж кийимини етказиб бера олади. Республика Вазирлар Маҳкамасида яқинда бўлиб ўтган йиғилишда халқ ҳужалиғи тармоқларини бозор иқтисодиёти шароитига ўтказиб, етдан олиб келинаётган маҳсулотларини ўзинида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарурлиғи алоҳида таъкидланди. Ўзбекистоннинг тўла иқтисодий мустақиллиққа эришишида бундай иш юритишнинг мўҳити чиндан ҳам катта. Фабрика жамоаси ана

шу назиялардан келиб чиқиб иш юритмоқда. Корхона ёрлиғи туширилган маҳсулотларнинг шуҳратини ошини, турларини кўпайтириш борасида тиямизиз изланмоқда. Изланишлар эса шубҳасиз ўз самарасини беради.

Суратда: назорати Соҳиб Пулатова, Гуллола Рафурова ва Наргиза Қодировлар ўз маҳсулотларини кўздан кечиринмоқда.

Ш. ШАРОПОВ (УАА) олган сурат.

• Чорвачилик

ҲАММА НАРСА ЎЗ ЭГАСИ ҚЎЛИДА РИВОЖ ТОПАДИ

Қишлоқ ҳужалиғи вазири-нинг чорвачилик бош бокермасига кўнироқ қилиб, республиканимизда энг илгор ҳужалиқни айтишларини сўрадик.

Дабдурустан берилган совога шартта жавоб бўлмади. «Чиноз», «Малик» совхозлари-чи — сўрадик савризлибди.

Улар «ўқиб» қолшган, — деган жавоб қайтарилди. Биз, газетачилар юқориде тилга олинган икки ҳужалик ҳақида кўп ва ҳўп ёзганмиз. Тажрибаларини ёритишга саҳифа-саҳифа мақолалар беришганами. Серсуг гомилиларини, омилкор сиғирсоғарлару молбоқарларини мақтасега бисотиамиздаги сўзларини аямаганмиз. Фермаларини сут буюғи деб таърифлаганимиз. Қарангки, шундай ҳужалиқлар бунинг кунда чўкиб қолибди! Одамларни таъдирсиз, гомилиларни эчкимижоз бўлиб қолсаяки Негат!

Бу вилота мутахассислардан бири шундай изох берди: «Чиноз» ҳам, «Малик» ҳам илгари бошқаларга нисбатан устуликка эга эдилар, яъни омухта ёрни давлатдан истаганича олишарди. Ҳозир эса эл қатори: эҳтиёжнинг 40—45 фоизини даражасида олишмоқда. Асосий сабаб шумикин! Бир томондан қарасангиз ҳақ фикрга ўхшайди. Ахир сиғирнинг сутини тилида дейишди: ем берсанг сут беради. Афсуски, ана шу еқидега икки хил ёндошш мумкин экан. Давлат тасарруфидега кўллаб ҳужалиқлар, ҳатто илгари донг тороғанлар ҳам боқимандлик, давлатга кўз тикиш оқибатида зотдор фермаларни хароб қилишлар, ҳар бири йилига 3—3,5 минг килограмм сут бериб келётган гомилиларни эчкимижоз жониворларга айланитириб қўйдилар. Давлат ва жамоа ҳужалиқларида ҳар сиғирдан ўртача 960 килограммдан сут соғиб олинаётгани бунинг далилидир.

Бунинг қарангки, давлатдан ҳеч қандай омухта ем олишмас-да шахсий ҳужалиқларда ҳар бир сиғирдан ўртача 2500 килограммдан сут соғиб олинаётган. Шу йилнинг биринчи ярмида етиштирилган гўштининг ҳам 68 фоизини хусусий ва фермер ҳужалиқлари ҳиссасига тўғри келибди.

Бу рақамлар кишини жиддий уйлашга даъват этади. Замон билан ҳаммаде, ҳамаде бўлишга ундайди. Қишлоқ ҳужалиғи — республика иқтисодиётининг энг кўламли, ҳал қилувчи бўғинидир. Ўзбекистоннинг тақдирини қўй жихатдан шу соҳанин қандай ривонланитишга болган. Шундай экан, жоьлардаги раҳбарлар фермерларга ҳар жиҳатдан ёрдам беришларини, ишбилармонлик, ташаббускорлик йўлидаи голварни бартараф этишларни лозим,— дейилди. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 27 июль кунин бўлиб ўтган мажлисида Чорвачилик меҳнату маваққатларга тўла соҳа. Шунинг учун ҳам у азалдан зарбдор тармоқ ҳисобланган. Лекин у қанчалик зарбдор бўлмасин ҳамлау зарбалардан кўра тадбиркорлиқни, ишбилармонлиқни ёқтиради, ташаббускорлиқни хуш кўради.

Норбобо ШАКАРОВ.

• ХУСУСИЙ МУЛОҲАЗА

ТАРИХИНГ ДИР МИНГ АСРЛАР ИЧРА ПИНХОН, ЎЗБЕГИМ!

Яқинда ёзувчи дўстларим билан гурунглашиб қолдик. Шунда бир воқеани гапириб беришди. Улар мамлакатимиз вилоятларидан бирига боришган. Учрашувлар ўтказилган. Жумладан, бир мактабда ҳам бўлишган. Савол-жавоблар бўлган. Шунда қаламқашлардан бири йиғилган ўқувчиларга мурожаат қилган.

— Қани айтилган, дўстлар, Широқ ёки Спитаман ким бўлган?

— Ҳамма жим. Сабр-тоқат билан жавоб куттишган. Эрта-индин мустақил ҳаётга йўлланма оладиган йигит-қизлар кўзлари мултираганча адибларга тикилиб ўтиришарди.

— Ҳа, майли, Тумарис ёки Жалалиддин Мангуберди ҳақида ким нима билди?

Қай кўз билан кўрсинларки, йигит-қизлар бир-бирларига анграйганча яна мум тиллаб ўтиришарди. Бу қай ҳол бўлди энди?! «Дод» деб юборгани келдики бундай паллада. Қора кўзлар, уша андишали қора кўзлар келган қалам қилларига тикилганча кўзларини пирпиратиб туришарди. Уларда не айб? Тарих деб ўқитдилар бизга ёт ҳодисаларни, Петрни улуғ, дедилар, Грознийни буюк, дедилар. Ўзимизга, ўз ўтмишимиз, ўз илдиларимизга келганда эса Амир Темурни қонхўр, дедилар, Мирза Бобури босқинчи, дедилар. Тарих деб асосан Россия ва Европа ўтмишини ўқитдилар. Маънавий мажруҳ ва сўйиш қилиб тарбияланган ниятда ҳақиқатини Сократ дарсликлар ёзилар, тўғри китоблар битдилар. Мақсад мануртулгани илди олдириб, палан ёдлашиб, мутеликка сув қўйиш, тобалик руҳини парвардилаш.

Оқибатда рус подшоҳлари қилган ишларнинг илдан-игнасигача билдиришга бўлиб, ҳатто Екатеринанинг қанча жамани борлигига.

Мана инкичи йилдирики, озодин ҳавсидан нафас олинмас. Қандай яхши!

Адолатни тилкамоқ, тарихимизни ўрғиниб борасида дастлабки қадамлар қўйилган. Бой маънавий меросимизнинг сандиҳи энди кўтарилган. Биз баҳра олиб, кўришимиз лозим бўлган чашманинг кўзи энди очилган. Матбуотда, телевидение ҳамда радиода мақолалар чоп этиляпти, эшиттиришлар бериб бориляпти.

Урта ва олий ўқув юрларида Ватанимиз тарихини ўрганиш, борасида дастлабки хайри қадамлар қўйилмоқда.

Агарда ҳалқимиз, айниқса ёшларимиз тарихимизга фавқуллода ташна эканли-

ги инобатга олинган бўлса, амалга оширилган ишларни уммондан томиҳ деса бўлади. Зеро ҳозирги замон фанларининг кўпчилиги асосларини ҳаюмюртларимиз яратган. Лоақал Ал-Хоразмийни, Абу Али ибн Синони, Ал Берунийни эслашлик. Миллатимизни мангуликка мухрлаганлар Ал Фаробий, Ал Бухорий, Ат Термизий, Ахмад Ясавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Беҳзод, Хондамир каби алломалар билан ҳар қанча фахрланас қаримди. Афсуски, ана шундай бобоқалонларимизнинг кўпчилиги ҳақидаги тасавури-миз умумий ва юзани, гира-шира.

Айтмоқчиманки, улуғ ўтмишдошларимизнинг миллатимиз, ҳалқимиз фидойилик сифатида кечирган ҳаётлари, Туронзамин дувругини оширишга хизмат қилган жўшқин фаолиятлари, бизга қолдирган бебаҳо мерослари ҳақида ҳикоя қилувчи оммабоп рисодалар туркуми, назаримда, жуда-жуда зарур. Шундай қилинса кўна тарихимиз қатъити яширинган тенгис дуру жаҳонлардан ҳозирги авлод тээрқ баҳраманд бўлув эди. «Тарихинг дир минг асрлар ичра пинҳон, ўзбегим», деб ҳайқирганда ардоқли халқ шониримиз Эркин Воҳидов минг бор ҳақ эди.

Лоақадлик, тобалик захрини бутунлай йўқолимоқ, ўзбекда истихор ва ғуруғ хисларини уйғотмоқ учун назаримда, ўтмишимизни тириктирмоқ даркор. Бу шунчалик зарур ва савоб ишки, уни галта солиб бўлмайди. Етар шунча пинҳон тутилган! Бешула ўтган йилларимиз ўрнини қопламоқ ниятда отта қамчи босмоқ лозим. Бобоқалонларимиз поки руҳи олдидан қарз, зиммамиздаги бурч ҳам бизни шунга ундамоқда чоғи. Ахир берорга айтилмаган-ку Ватанин сениш — ватанпарварлик ўз халқи тарихини пухта билиш, у билан фахрланишдан бошланади, деб.

Мухтарам Президентимиз миллий маффурани яратиш масаласини энг мунд вазибалардан бири деб билимоқда. Унинг асосини эса ўтмишда юртдошларимиз томонидан яратилган маънавий бойликлар ташкил этади. Биз аслида ким эканлигимизни биллишимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

«Амир Темур тузукларини ўқисам, худди бугунги замоннинг катта-катта муаммоларига жавоб топгандек бўламан».

Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг

ёзувчилар билан учрашувда айтган бу сўзлар, меросимизни ўрганишимиз нақадар зарур эканлигини ана бир бор таъкидлаб турибди.

Юқорида баён этилган мулоҳазалардан келиб чиқиб, Туронзаминнинг шон-шўратини оширган ўтмишдошларимиз ҳақида китоблар нияҳат зарур эканлигини ана бир бор таъкидламоқчиман **Рисолалар туркумининг «Миллатимиз фидойилари» ёки «Миллатимизни мангуликка мухрлаганлар»** ё бўлмаса «Туронзаминнинг буюк кишилари» деб аташ мумкин. Қолаверса туркум номини яна биргаликда мулоҳаза қилиш мумкин.

Китобларнинг ҳажми ҳақида ҳам ўйлаб кўриш зарур, деб ҳисоблайман. Ана назаримда, жуда кичик ҳам, жуда катта ҳам бўлмаслиги керак. Туркумин яратмоқ фойдасиз масъулиятли иш эканлигини эътиборга олган ҳолда мамлакатимизнинг кўзга кўринган етакчи олимлари, адибларидан ёборат тахрир хайъати тuzилса, мақсада мувофиқ бўлув эди. Шу йўлда меҳнат қилишни савобли ишга ҳисса қўйишни аллома ва қаламқашларимиз ўзлари учун катта шараф деб билидилар, деб ўйлайман.

Рисолалар кенг оммага, яъни ёшга ҳам, ёши узуларга ҳам мўлжалланганлиги эътиборга олинган бўлса, унинг ёзилши услуби ва тили ҳақида ҳам қай-қурмоқ талаб этилиши ўз-ўзидан равшан.

Ҳозирги қоғоз тақисслиги, иқтисодий қийинчиликлар даврида бу ишни бошлаш қандай бўларкин, деб ўйлайдиганлар ҳам топилб қолшини мумкин. Мухтарам Президентимиз вақт ўтиши билан иқтисодини ўнлаб оламиз, лекин маънавий бўҳронлардан чиқиб яна мушкул масала эканлигини уқтирилади.

«Моддий ислохотлар, иқтисодий ислохотлар — ўз йўлига, — деб таъкидлади Ислом Каримов республика Олий Кенгашининг ўн инкичи сессиясида сўзлаган нутқида. — Уларни ҳал этиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амал-

лаб туриш мумкин. Аммо маънавий ислохотлар — қўллик ва «мутелик исқандаридан озад бўлиш, қадни баланд қилиш, ота-бобоқалонимизнинг удуларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш — бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ бу дунёда».

Маъзуқ масаланинг моҳиятини очмоқ ниятида юқоридаги сўзлардан бири қалима қўшмоқ амир-маҳолдир. Бор гап лунда қилиб айтилган қўйилган. Шундай экан вазифани рўйбта чиқармоқ борасидаги гапларини давом эттирсак. Назаримиздаги ўз имкониятларини қўйта чамалаб чиқсалар. Сир эмаски, озди-ноқди, савиниб саёз китоблар ҳам чиқаяпти, пул дарди қабоб деганлардай.

Яна бир мулоҳаза. Юртимизда, али миз орасида савоб иш учун қиммат қармани беголвоҳ саховатпешалар ҳаминша топилган. Миллат маънавияти, миллат шайн-шайности, ғурури, фаҳри ҳақида гап кетаётганда мулкдорлар, сармоядорлар, жамоа корхоналарининг эгалари, хайрия ва бошқ ахши ниятда ташкил этилган фондлар, ҷуночи, Ш. Рашидов фонди ва Д. Қўнаев номли Халқор фонднинг Ўзбекистон бўлими, ташкилот ва муассасалар маъзуқ ўта зарур ва ўта савоб ишга ҳомийлик қилинса, шу ниятга маблаг ажратилиши зиммаларига олинса, яратган Эгамга ҳам, бандларга ҳам хуш келарди, чамамда. Сармоядорлар орасида бўлар-бўлмас ишларга пул сарфлаётганлари ҳам йўқ эмас. Номин тарихда қолсин, мендан халқимга наф тегсин, деганлар бу ҳақида мулоҳаза қилиб кўрсалар, чакки бўлмасди.

Унутмайлик, маънавият ҳалқнинг, миллатнинг юзи, қиёфаси. Маънавият бор жойда инсоф бор, дийбат бор. Маънавияти соғлом халқнинг келажигиға умид қилса бўлади. Гапнинг индоллопини айтаем, энг шимариб, амалий ишга киришмоқ вақт шидди.

Ислом СУЛАЙМОНОВ, меҳнат фахрийи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.



Кутубхона — кирхона, деган гап беиз айтилмаган. Ҳозирги бозор иқтисодий шариотда сотувдаги китоблар анчайин қимматлиб кетгани сир эмас. Кутубхоналар эса ҳануз ўқувчиларга беминнат хизмат кўрсатаётгани таҳсинга лойиқдир. Бадий асарлар ўқишга ташна китобхонлар шу кунларда кутубхоналарга тез-тез ташриф бурюнаёттир.

Китобхонлар талаб-эҳтиёжларини қондириш кутубхона ходимларидан катта меҳнат ва маъсулият талаб қилади, албатта. Буни диддан ҳис қилган Самарқанд шаҳар марказий кутубхонаси ходимлари астойдил фаолият кўрсатишаёттир. Кутубхона 30 минг китоб фондига эга. Зотан, маъзуқ кутубхонанинг тўрт минг нафарга яқин аъзолари бор. Китобхонлар сони кун сайин кўпаймоқда.

СУРАТДА: кутубхона ходимси Ольга Кям иш устида. Рудол АЛИЕВ тасвирга олган.

ТАХРИРИЯТДАН: назаримизда, муаллиф ҳозирги куннинг муҳим муаммоларидан бири кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этмоқда. Қани, муҳтарам алломаларимиз, жонқуяр ноширларимиз, қалби Ватан ишқи ва меҳри билан тепаётган қалам аҳли, сармоядор, ишбилдономлар, сизлар нима дейсизлар? Фикр-мулоҳазаларингизни кутамиз. Қўплашиб бир тўхтамга келсак, юрт учун, миллат учун нафимиз тегиши шубҳасиз.

• Маҳалла—тотувлик бешиги

Агар улар ичишмаганда, туппа-тузук бошланб хайри туғайган зиёфат уч йиллик гурубат жанжалга айланмаган, пойтахтимизнинг қоқ марказидаги Себзор даҳаси 21-йода яшовчи қўшинлар орасидан опа мушук ўтмаган бўларди. Ва, қолаверса Собир Раҳимов тумани халқ суди Ҳақназаров Шухратни «пичоқ ушлашни билмагани учун беркордан беркорга тўрт йил озодликдан мажрум этиб ҳўки чикармасди.

лар майдончаси бўлса деганини ўқиб, у ҳақ деб ўйлодим. Адашган эканман, мажлиса аризачи яқкаланиб қолди. Кўпчилик негандир Малика опа ёмон кўрган қўшнинг ёқлаб, унинг камчиликларини ёпиб, ютуқларини ошириб гапирди. Ички-да маҳалла шу ҳудуднинг юзи-кўзи экан-да, у одамни хизматига яраша ерга уриши ҳам, кўнқа кўтариши ҳам мумкин экан-да, деб ўйладим. Ва Йиғилишда гапирганларнинг сўзини ёзиб қўй-

Бесабаб оёйқа тикан ҳам қирмайди, деган гапда жон бор. Воқеа 1991 йил 15 декабрда содир бўлган. Даҳадан чойхонада Шухрат Ҳақназаров Баҳоидир Нўрмонов билан жанжаллашиб қўлига пичоқ олади, ората уларни ажратиб учун тушган Мухамедов Мақсуд худди шу яроғдан жароҳат олади. Шу вақтнинг ўзида М. Мухамедовни К. Султонхўжаев уриб уни бурун суйганин сийдирган. Бу ҳозирча тасдиғини топгани йўқ. Собир Раҳимов туман халқ суди 1993 йил 22 март кунин К. Султонхўжаевга нисбатан жиноий иш қўзғатипи масаласини ҳал этиш ҳақида ақрим чиқарган. Таажубки, юқоридки воқеадан бири йил аввал — 1990 йилнинг сўнги кунин яна зиёфатда Қаҳрамон Орипов Ваҳоб Хўжаев билан жанжаллашиб қолган. Натияжада Орипов Хўжаевга сенил тан жароҳати етказган, аммо бу жиноий иш уч марта Ўзбекистон Республикасини жиноят мажмуасининг 5-модда 2-қисмига мувофиқ қаранатдан ётқизилган. Яқинда бу жиноий иш тағини қўшимча терговга юборилди. Албатта, қонуний ҳал этилади. Аммо неча йиллардан бери шу ерда кўз-қўзга тушиб йашаётган жабрланувчининг аёли Малика Мухамедова бунга ишонмади, юқори ташкилотларга ариза ёзаяпти. Яқинда у мамлакатимиз раҳбарини номига ҳўқуқ маҳкамалари устидан норози бўлиб шикоят биттибди. Текширишга шаҳар прокуратурасининг масъул ходими Абдулла Исломов келди. Таажубки, худди шу маҳал Малика

Мухамедованинг устидан фуқаро Зикрилло Орипов доавосига мувофиқ жиноий иш қўзғатилган экан.

— Ҳалати ҳол, — дейди Абдулла Исломов, — аризачи Президент номига ёзган хатини ачиқ устида

шобиш қоралабман деди. Бопқа бир хат ёзиб берди. Келтирган важадорини текшириб уларнинг асоссизлигини аниқладим. Ҳайронман, шундай нуфузли жойга ҳам киши ёлғон гапни тўғиб ёзаверадими?

Дарвоқе, бу мақолаини ёзилганга яна бир нарсани туртки бўлди. Туман прокуратура, адиби мажмуасининг Райим Рўзиев ва шаҳар прокуратураси масъул ходими Абдулла Исломовлар ташаббуси ва аризачининг илтимосига мувофиқ худди шу маҳаллада ўтган умумий йиғилишда қатнашди. Бир ўзбек маҳалласида содир бўлган нохушлик, мижарою низоларнинг ҳақиқати манзараси, унинг оқибати мени қизиқтириб қолган эди. Мухамедова Малика ўз нома-сидан барча бўзғунчиликни З. Орипов қилгаётганини, тағини уйининг орасидан каттагина жойини сиймсик билан эгаллаб олиб дарахтзорга айлантирганини, уянинг ертўласини ноқонуний қўрганни, дарахтзор бола-

Мираҳмад МИРХОҲОВ: Илгари маҳалламиз тиңч, аҳил эди, икки-уч йилдан бери шайтон ораладим, билмайман. Дарахтзорни бола-лар майдончасига айлантискан расво бўлади. Уйга мактаб, боғча яқин, бунинг устига ўша майдон бизга чапроқ, Ким ўз боласини кўздан пана жойда ўйғатиб қўлди. 185-хондонда Анвар аки Авазовиям фикри шу. Шундайми?

— Ҳа, ҳа...

Мухриддин ФАЙЗУЛЛАЕВ: — Мухамедованинг юқорисидки хондонда туман. Очғини, Малика опада муомала қилиш маданияти йўқ.

— Бекор айтибсиз. Улмайсизми хотин киши устидан арз қилишга? — Аризачи ўрндан туриб кетди.

— Гапим тугасин, сизгям наваб беришади. Худдас, одам бировдан айб қилдиргунча ўзини тузатиб олиши керак.

Манзура НИЕЗОВА: — Маликахоҳ, ҳафа бўлмағун, муомаланиз онага хос

ЯРАШ ОШИ

• Янги спектакль

САХНАДА ЯНА «ШУМ БОЛА»

Ҳамма номидики Ўзбек давлат академик драма театри ўз томошабинларига икки пардалы ашула ва муслиқли комедиани ҳавола этиди. Бу комедия атоқли адиб Гафур Ғуломнинг машҳур «Шум бола» асарини асосида яратилган. Спектаклнинг ўзини ҳо томоний шундаки, режиссёр С. Наприево актёрларнинг маҳоратлари ҳамда театрнинг техник имкониятларини ҳисобга олган. Натияжада ўзбек сахнасида илк бор ўзини ҳо ажойиб томоша юзага келди. Унинг премьераси барчада яхши таассурот қолдирди.

Янги асарини ҳатто хоржий томошабинлар ҳам иштинёқ билан кўришди. Негатки, бу сахна асариди миллий ва замонавий рақслар, масхарабозлик, опера ва замонавий мусиқа бир-бирига уйғунлашиб кетган. Бир сўз билан айтганда бу асар айнан ёшлар учун яратилган дид.

Бош роль икромчиси Мадина Мухторова ўзининг истеъдодини кўрсатиб, акробатика ва рақс маҳоратларини намоиш эта олган. Еш артистлардан Зуҳра Ашурава, Тоҳир Саидов, Абдураим Абдуваҳобов ва бошқалар биргаликда ягона ансамбль яратилган. Бундан ташқари, Кумуш Разақова, Шавкат Тошматов, Зияд Эшонхўжаев каби астрада хонандаларни иқтисодида қўшиқлар спектаклга жозоба бағишлаб туради. Қўшиқларини танилиб бастакор Алишер Икромов шоир Иброҳим Жиянов билан биргаликда ёзган. Бу билан отахон театр ўзининг 75 йиллик тўйига яна бир муносиб туҳфа ҳо-зирадиди.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Афсус, агар айнан Сизга аталган компьютер йироқда сотилса

Бу — Apple компанияси яратган Macintosh.

1976 йилдан бошлаб Apple жаҳоншумул муваффақиятга эга бўлди. Сабаби, бошқа шахсий компьютер ишлаб чиқарувчилар истеъмолчиларни ўз махсулотларига қўниқишга мажбурлаган чоғда — Apple инсон эҳтиёжларига энг яқин мослашган, ҳар бири киши учун қулай бўлган технологияни яратди. Ҳозирда Apple компьютер саноатида

етақчи корхонадир, ўтган йили у АКШда биринчи ўринни олган. Ўзбекистонда илк марта янги технологияларнинг ажойиб қоршмасини намоиш қилаёттирмиз. ABSYS компанияси Appleнинг Ўзбекистондаги расмий дистрибьютори. Биз Тошкентда узваколатхонамизни очганимизни мамнуният билан эълон қилиб, бугундан бошлаб қўла сервис хизмати кўрсатишга тайерлигимизни билдираимиз.

Бутун дунеда 14 000 000 мижоз Apple компьютерларини афзал кўрган. Сизчи?

Бизга қуйидаги рақамлар орқали кўнгирок қилинг: (3712) 32 38 68.

Apple ва Macintosh номини ҳақида атоқли Apple Computer Inc.нинг ҳақда эҳтилол саво битилганларид.

АБДУНАБИ АЛИҚУЛОВ.

Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35. Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ:

Анджиконда — 4-48-85; Қаршида — 3-25-79; Бухорода — 3-96-12; Самарқандда — 35-22-90; Гулистанда — 2-26-22; Урганчда — 6-72-60; Жиззада — 3-31-86; Фарғонада — 2-23-01; Навоёнда — 3-74-76; Термизда — 6-37-16; Нукусда — 2-42-62.

Набатчи муҳаррир: И. СУЛАЙМОНОВ. Набатчи Т. ЭШБЕКОВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

РЕДАКЦИЯЛАР:

Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14.
 Иجتимоий ҳаёт — 33-21-43, 32-53-16.
 Животчиликка қарши кураш — 33-76-04, 32-26-70, 32-53-15.

Вилоят муҳбирлари — 33-12-16, 32-57-20.

Хатлар, ахборот ва спорт — 33-12-56, 32-55-16

«Осиё бозори» — 33-41-89, 32-55-70.
 Котибхона — 33-72-83, 32-53-06.
 Эълон ва билдирувлар — 32-54-12.

Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35. Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ:

Анджиконда — 4-48-85; Қаршида — 3-25-79; Бухорода — 3-96-12; Самарқандда — 35-22-90; Гулистанда — 2-26-22; Урганчда — 6-72-60; Жиззада — 3-31-86; Фарғонада — 2-23-01; Навоёнда — 3-74-76; Термизда — 6-37-16; Нукусда — 2-42-62.

Набатчи муҳаррир: И. СУЛАЙМОНОВ. Набатчи Т. ЭШБЕКОВ.

Манзил: 700083 ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

Бош муҳаррир **Азим СУЙОН.**

Манзил: 700083 ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

• Эълонлар кечиктирмай чоп этишга кафолат берилади. • Кўлёмалар ҳажми чекланмайди. • Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120. Газета офсет усулида А—2 форматда босилди. Ҳажим 2 босма табоқ, тиражи 155296 нуска. Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—22.00. Г—479. № 143.